

**Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита раиси
Тошбоев Содик Донақуловичнинг
коррупцияга қарши курашиш бўйича
МУРОЖААТИ**

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга, унга қарши курашишга, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупция омилларга чек қўйишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Буни сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар, Давлат дастурлари мисолида ҳам қўриш мумкин.

Давлат раҳбарининг коррупцияга қарши курашга доир ташаббусларини кўллаб-қувватлаган ҳолда, Дин ишлари бўйича қўмита тизимида ҳам коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу иллатнинг олдини олиш ва профилактика қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Қўмитада коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандарт талабларидан келиб чиқсан ҳолда, Қўмита тизимида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, халқаро стандарт талаблари бўйича Қўмита тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича 10 дан ортиқ ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, Қўмита тизими фаолиятида коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган вазифалар ва йўналишлар белгилаб олиниб, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, шунингдек, уларни камайтириш бўйича тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупциянинг олдини олишга доир тарғибот тадбирлари, Қўмита тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича ўкув семинарлари, тренинглар, брифинглар ва давра суҳбатлари ташкил этиб борилмоқда.

Шу ўринда, Қўмита тизимида фаолият юритаётган барча ходимларга шуни алоҳида таъкидлаган бўлар эдимки, коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилига таянган ҳолда коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этманг, бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб

ҳаракат қилманг, пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеингиздан ноқонуний фойдаланманг.

Сизлар, меҳнат фаолиятингиздаги юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустақил хулқ-автор намунаси бўлишингиз, ўз мансаб мажбуриятингизни бажаришингиз доирасида, коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички хужжатларга риоя қилишингиз лозим.

Биз шуни унумаслигимиз керакки, коррупция маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётининг инқирозига олиб келади, давлатни ич-ицидан емиради. Ҳозирда коррупцияга қарши курашиш мақсадларига факат ташкилий-хуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, жамият кушандаси бўлган ушбу иллатга қарши курашда нафақат давлат ташкилотлари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдир. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз лозим. Шундай экан, давлат ва жамоат ташкилотлари бу иллатни олдлни олиши ва унга қарши курашда ҳамжиҳат бўлиши самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўли бўлиб ҳисобланади.

Дин ишлари бўйича қўмита тизимида фаолият юритаётган ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа хукуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, Қўмитанинг қўйида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларингизни қолдиришингиз мумкин.

Ишонч телефони: 71 200-58-88

Расмий веб-сайт: religions.uz

Электрон почта манзили: info@religions.uz

Йўлланган мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупцион ҳолатлар бўйича кескин қонуний чоралар кўрилади.

Эътиборингиз учун ташаккур!